

O`zbekiston Respublikasi  
Xorazm viloyati  
Bog`ot tumani  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Боғот тумани  
ХОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 467а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Ишбаев Хўсин  
Раимбердиевичнинг турар жой  
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Ишбаев Хўсин Раимбердиевичнинг “Маънавият” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 3 февралдаги ХО-И-335-сонли аризасини, “Маънавият” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 3 февралдаги № 457-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот туман ҳокимининг 2004 йил 3 ноябрдаги № 420-сонли қарорига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида жойлашган 7 (етти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 59,30 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 95,69 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 154,99 квадрат метр, қурилиш ости майдони 229,42 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Ишбаев Хўсин Раимбердиевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Ишбаев Хўсин Раимбердиевичга ушбу турар жой биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Ишбаев Хўсин Раимбердиевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**